35 нафар касаба уюшма спортчиси Пекинга боради 14-бет




# Ishonch

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

2008-yil 19-iyun
№ 74 (2487)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




Оила — балолардан асровчи қалъа 4



Жўнатилмаган мактуб 12

Голландия, Португалия, Испания... чемпионлик кимга насиб этади? 14

Ракурс

## Ўғрилик

Ўғрилик ёмон эканлигини ҳамма билади. Ҳатто ўғрилар қаттиқ жазоларга мустаҳиқ қилинади. Аммо ўғриликнинг шундай кўринмас турлари борки, улар учун тайинли жазонинг ўзи йўқ. Ўғирланадиган номоддий нарсалар ичида энг қиммат ва қайта топилмаси — вақт. Унинг бир лаҳзаси ҳам такрорланмасдир. Тассуфки, кўпчилик бунга эътибор бермайди. Шаҳарда яшайдиган одамларнинг аксарияти шаҳар автобусларидан нолишади. Авваллари талаба бўлганим учун бунга кўпам эътибор бермасдим. Ишга кириб, мен ҳам бошқалар қатори автобус кутадиган бўлгач, бу гапларнинг ўринли эканига ишондим. Ҳувайдо-Аэропорт йўналишида қатнайдиган 11-автобусни гоҳида 40-42 минутгача кутган пайтларим бўлди (бу ҳолат қаҳратон қишда ёки жазирама ёзда кексалар, ёш болалар, хаста кишиларга қандай таъсир қилади!?). Ҳафтасига икки-уч марталаб ишга кеч келадиган бўлдим. Шундай кунларнинг бирида ишга (кечикиб) келсам, ҳамкасбларим кўринмади. Иш вақтидан ярим соат ўтгач, бўлим мудири келди. Келди-ю 8-микроавтобус ва 67-автобуслардан шикоят қилиб кетди. Гапларимиз тугамай учинчи ҳамкасбимиз кириб келди. У автобус келавермагач, таксида келибди. Бир кунимизнинг ўртача бир ярим-икки соати бекатларда ўтса-ю, бунга лоқайдларча қараб турсак?!

Умр ҳисобли. Вақт ўғирланмоқда. Бунга ким жавобгар?! Бу ҳақда ҳайдовчиларга гапирсангиз жеркиб беришади. Наҳотки шахсий машинаси бўлмаганлар вақтларини давомли ўғирлатишга маҳкум бўлсалар?!

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**



# Зомин манзаралари

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичларимиз: 133, 134

Ishonch
2008 йил 19 июн / № 74 (2487)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# БОЛАЛИКДАН НОГИРОНЛАР ТУҒИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

***«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлашни таъминлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болалар ногиронлигини қисқартириш мақсадида:***

1. 2008-2012 йиллар даврида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Давлат дастури сифатли ва ўз вақтида рўёбга чиқарилишини амалий равишда мувофиқлаштириб, давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб боришни таъминласин.

2. Белгилансинки, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш, 2-иловага мувофиқ, соғлиқни сақлаш муассасаларига ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағлари, шунингдек, «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Мазкур Давлат дастурини амалга ошириш доирасида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган реагентлар, сарфлаш материаллари, шифобахш болалар таомлари, дори-дармонлар ва бошқа товарлар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Давлат дастурини амалга ошириш доирасида тузилган импорт контрактларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда Давлат дастурини амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар ва ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил қилсинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Ф.Ш.Акбарова зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 18 июн

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 июндаги «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-892-сон қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келди. Мана шу вазифаларни ҳал этиш учун 1998 йилдан бошлаб республикада ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун ҳомиладор аёллар ва чақалоқларнинг туғма ва бошқа патологиясини барвақт аниқлаш чора-тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Аҳолига тиббий-генетик ёрдам кўрсатилишини, соғлом болалар туғилиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлғуси оналар ва чақалоқлар текширувдан (скрининг) ўтказилишини таъминлайдиган махсус тиббиёт тизимини ташкил этишга асосий эътибор қаратилди.

Ўтган давр мобайнида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан биргаликда Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида она ва бола скрининги 11 та маркази ташкил этилди ва улар замонавий ташхис аппаратлари билан жиҳозланди. Ушбу марказлар ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни текширувдан ўтказадилар.

Чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда туғма ҳамда ирсий патологияни барвақт аниқлаш давлат тизимининг ривожланиши натижасида чақалоқларни текширувлар билан қамраб олиш кўлами 1999 йилдаги 5,3 фоиздан 2007 йилда 83 фоизгача кўпайди, туғма нуқсонлар билан туғилган болалар сони эса 2000 йилга нисбатан 2007 йилда 14 фоиз камайди.

Шу билан бирга бу ғоят муҳим соҳада ҳали бир қатор ҳал этилмаган масалалар сақланиб қолмоқда. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида скрининг марказларининг йўқлиги сабабли уларда аёллар ва болаларни скрининг тадқиқотлари билан қамраб олиш кўлами ҳамон пастлигича қолмоқда. Туғма ва ирсий касалликларнинг бошланғич профилактикаси масалаларида аҳоли кенг табақалари, хусусан, ёшларнинг хабардорлик даражасини оширишга катта эътибор бериш талаб қилинади.

Соғлом авлодни ривожлантиришни таъминлаш, туғма нуқсонлари бўлган болалар сонини камайтириш ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида 2008-2012 йиллар даврида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тасдиқланди. Дастурнинг қабул қилиниши жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан чора-тадбирлар тизимини амалга оширишдаги муҳим бўғин ҳисобланади.

Дастурда назарда тутилган кенг кўламдаги вазифалар комплекси орасида энг аввало туғма ва ирсий касалликларнинг бошланғич профилактикаси такомиллаштирилишини қайд этиб ўтиш зарур. Ушбу мақсадларда аҳоли орасида маҳаллаларда, шу жумладан тиббий-ижтимоий патронаж тизими орқали давра столлари, учрашув ва суҳбатлар ташкил этиш йўли билан туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш масалалари бўйича маърифий ишларни кенгайтириш назарда тутилмоқда. Дастурда никоҳдан ўтувчи шахсларнинг тиббий маданиятини оширишга, мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш масалаларига оид семинарлар, тренинг ва конференциялар ўтказишга алоҳида аҳамият берилади.

Дастурда Республика ва вилоятлар скрининг марказларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилади. Чунончи, Республика скрининг маркази қўшимча равишда аминокислота анализатори, қалқонсимон ва ошқозон ости безлари ирсий касалликларини аниқловчи диагностика аппаратлари, газ-суюқлик хроматографи билан таъминланади, бу эса диагностика ишлари даражасини оширади.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида минтақавий скрининг марказлар ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш кўзда тутилмоқда, бу эса мазкур вилоятлар аҳолисининг скрининг тадқиқотларидан фойдаланишини таъминлайди, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларнинг тадқиқотлар билан тўлиқроқ қамраб олинишига эришиш имконини беради.

Вилоятлардаги скрининг марказларини юксак даражада аниқлик билан ишлайдиган ультратовуш сканерлари, совутиш ускуналари, бошқа замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш тадбирлари белгиланган. Жорий йилнинг ўзидаёқ барча скрининг марказлари биоматериалга ишлов бериш учун электрон асбоблар билан жиҳозланади, бу эса диагностика жараёнини анча жадаллаштиради.

Скрининг марказларининг махсус автотранспорт билан жиҳозланиши бориш қийин бўлган, олис туманлардан қон намуналарини скрининг марказларига ўз вақтида етказиб бериш, аҳоли, энг аввало қишлоқ жойлардаги аҳолининг замонавий текшириш воситалари билан қамраб олинишини кенгайтириш имконини беради, ирсий касалликлари бўлган беморларни фаол аниқлаш, ирсий нуқсонли беморларни диспансер ҳисобига ўз вақтида қўйиш, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш каби юмушларни енгиллаштиради.

Мана шуларнинг ҳаммаси 2012 йилга бориб чақалоқларни скрининг текширувлари билан қамраб олиш даражасини 90 фоизгача ошириш имконини беради ва энг кўп учраб турадиган ирсий касалликларни ўз вақтида аниқлашни таъминлайди.

Туғма генетик касалликларга чалинган болаларни махсус шифобахш таом ва дори-дармонлар билан таъминлаш янада ривожлантирилади. 2003-2007 йилларда ушбу мақсадларга қилинган сарф-харажатлар 951,1 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, янги Дастурда 2008-2012 йилларда салкам 1,7 млн. АҚШ доллари ажратилиши назарда тутилмоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирлар скрининг марказларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга бевосита боғлиқдир.

Назарда тутилган чора-тадбирлар орасида Республика скрининг маркази ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизида умумий амалиёт врачлари учун тиббий генетика бўйича доимий фаолият кўрсатувчи ихтисослашув цикли, шунингдек, врачлар учун ультратовуш диагностикаси бўйича тренинг ҳамда лаборант врачлар учун илмий-амалий семинарларни ташкил этиш каби тадбирлар мавжуд.

Скрининг марказларида ишловчи мутахассислар малакасини етакчи чет эл марказларида доимий ошириб боришни ташкил қилиш, амалиёт врачлари учун ирсий касалликлар бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, етакчи хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда илмий семинарлар ва конференциялар ўтказиш тадбирлари белгиланган.

Дастурнинг катта ижтимоий аҳамиятини эътиборга олиб, уни амалга ошириш учун умуман 710,3 млн.сўм ва 15,0 млн. АҚШ доллари ажратиш кўзда тутилган.

Ҳомиладор аёллар ва чақалоқлардаги туғма ва ирсий патологиянинг олдини олиш ҳамда уларни барвақт аниқлаш Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш ирсий касалликлари ва туғма нуқсонлари билан туғиладиган болалар сонини камайтириш, хилма-хил ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш бўйича скрининг марказлари потенциалини халқаро даражага кўтариш имконини беради, мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш вазифаларини ҳал этишда муҳим қадам бўлади.

# Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

**Республикамизда кейинги пайтларда ўтказилаётган аксарият маънавий-маърифий тадбирлар ёшларимизга бағишланмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки юрт келажаги — ёшлар қўлида. Тошкент ислом университети касаба уюшмасининг ташаббуси билан уюштирилган катта спорт-соғломлаштириш фестивали Тошкент вилоятининг Ғазалкент туманидаги «Чимбойлиқ» қишлоқ ҳудудида жойлашган университет оромгоҳида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!» шиори остида ўтказилди.**

Фестивал дастури икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи куни кураш, нишонга отиш, югуриш, сузиш, тош кўтариш, дартс, шахмат, шашка ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Иккинчи куни эса миллий халқ ўйинлари бўйича танловдан ташқари баҳсларга ўрин берилди.

Фестивал доирасининг норасмий қисмида талабаларга «Аср васвасалари» келтириб чиқараётган турли зарарли оқибатлар ҳақида, ёш авлодни ундан қандай асраш кераклиги борасида давра суҳбатлари уюштирилди.

Фестивал якунида Тошкент ислом университети ректори профессор Р.Абдуллаев ғолибларни самимий табриклаб, касаба уюшмаси томонидан ажратилган фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғаларни топширди.

**Ю.СОДИҚОВ,**
**Тошкент ислом университети касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тўрткўл туман кенгаши асосий эътиборни аъзоларни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратган. Президент фармонлари ва қарорлари асосида ўқитувчи ва тарбиячиларнинг имтиёзлардан тўла фойдаланишига эришиш, уларнинг саломатлиги, оиласи ҳақида ғамхўрлик қилиш шулар жумласидандир.*

# Имтиёзлардан тўла фойдаланиб

— Тармоқ кенгашига 5 мингга яқин касаба уюшма аъзоси бирлашган. Уларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг «2004 — 2009-йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида туманда янги мактаблар қуриш, таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Эндиликда аксарият мактабларимиз замонавий кўринишга эга. Керакли жиҳозлар билан таъминланган. Бу таълим-тарбия жараёнининг яхшиланишига хизмат қилмоқда, — дейди кенгаш раиси М.Адеков.

Ўтган йили кам таъминланган аъзоларнинг 112 нафарига моддий ёрдам уюштирилди. Шунингдек, элғиз яшовчи икки нафар меҳнат фахрийсига доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. 40 киши санаторийда, 70 киши санаторий-профилакторийда саломатлигини мустаҳкамлади. Юздан зиёд болаларнинг оромгоҳларда дам олишига ҳомийлик қилинди.

Аъзолар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу йил улар учун уюштирилган спартакиада иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Улли БОБОЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Ўзига хос рағбат

**Учқудуқ туманидаги «Узункудуқ» ширкат хўжалигида жойлашган «Қанарбой ота» зиёратгоҳи сўнгги йилларда янада ободонлаштирилди. 2006 йили Қанарбой отанинг 170 йиллик юбилейи нишонланди. Шу муносабат билан бу ерда кенг кўламда таъмирлаш ва қурилиш ишлари бажарилди.**

**Ёшлар йили муносабати билан тумандаги умумтаълим мактабларининг аълочи ва намунали хулқи билан ўрнак бўлаётган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини рағбатлантириш мақсадида «Қанарбой ота» стипендияси ташкил этилди. Ушбу стипендия 24 нафар ўқувчига топширилди.**

**У.БЎРОНОВ,**
**Учқудуқ туман Маънавият тарғибот бўлими раҳбари**

# Соғломлаштириш

**Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги ҳамкорликда анъанавий тарзда ранг-баранг тадбирлар ўтказиб келмоқда.**

**Биргина соғлиқни сақлаш ходимлари спартакиадасида вилоятнинг барча даволаш-профилактика муассасаларидан 300 дан ортиқ спортчи иштирок этди. Волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка ва бошқа халқ ўйинлари бўйича ўтказилган муросасиз беллашувларда Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси биринчи, Навоий тиббиёт коллежи иккинчи, вилоят ДСЭНМ ходимлари учинчи ўринни қўлга киритишди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.**

**А.КАРИМОВ,**
**М.АЛОВУДДИНОВ**

*Ургут туманининг сўлим Омонкўтон қишлоғида жойлашган «Юлдузча» болалар оромгоҳида савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Самарқанд вилоят вакиллиги катта спорт беллашувини ўтказди. Тармоқ касаба уюшма тасарруфидаги ташкилотлардан келган иштирокчилар мусобақага пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этишди.*

# Пухта ҳозирлик намойиши

Волейбол бўйича вилоят «Таъминотсавдо» жамоаси, шашка мусобақаларида Нарпай тумани, дартс бўйича Булунғур тумани ва теннисдан «Таъминотсавдо» жамоалари биринчиликни эгаллашди. Ғолиб жамоалар вакилликнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Шунингдек, «Юлдузча» болалар оромгоҳига ҳомийлик ва тармоқ касаба уюшма вакиллиги томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Мамашариф НЕЪМАТОВ,**
**Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Булунғур туман вакили**

# Ватан ягонадир, ватан биттадир

*Қарши шаҳридаги Болалар маданияти ва истироҳат боғида «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» шиори остида энг яхши қўшиқлар ва мусиқий асарлар кўрик-танлови ҳамда «Ўзбекистон, сени куйлайман!» мавзуидаги санъат фестивалининг якуний босқичи ўтказилди.*

Она Ватан мадҳини куй-қўшиқларда тараннум этган Қамаши туманидаги «Бўстон» ашула ва рақс халқ ансамблининг хонандаси Улуғбек Абраев, Қарши санъат коллежининг ўқитувчиси Жаҳонгир Турсунов, Муборак туман маданият уйи ходими Наргиза Саймова, Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги вилоят мусиқали драма ва қўғирчоқ театрларининг актёрлари Отабек Мўминов, Илёс Қурбонов, Китоб туманидаги «Китоб гуллари» ашула ва рақс ансамбли хонандаси Неъмат Исматов, Қарши санъат коллежининг талабалари Алишер Нурматов, Бекзод Ҳаққиев, Эргашали Қурбоновлар ғолиб деб топилдилар.

Санъат фестивалида вилоят мусиқали драма театрининг актёри Аъзам Акромов ўз маҳоратини намойиш этиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

**Ўз мухбиримиз**

*Сирдарё туманидаги Пахтазор қишлоғида бундан тўққиз йил муқаддам иш бошлаган «Жамшид» хусусий фирмаси йигирма нафар йигит ва қизни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этди.*

*Фирма, аввалги «Сирдарё» сиҳатгоҳи ўзагида ташкил топган. Дастлаб мустақил фаолият юритиш анча қийин кечди. Раҳбари Зуҳрахон Субхонова елиб-югуриб, бақувват ҳомийлар топишга ва сиҳатгоҳни сўлим гўшага айлантиришга эришди.*

# «Жамшид» — соғлиқ посбони

— Бошида, — дейди фирма раҳбари, — атиги ўн киши бўлиб иш бошлаган бўлсак, ҳозирги вақтга келиб, жамоамиз сафи 30 кишига кўпайди. Фирмада ишлаётган шифокорларнинг аксарият қисми илгари ишсиз қолган ёш жувон ва аёллардан иборат. Улар иштирокида периферик ва асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари, ошқозон-ичак, бепуштлик сингари хасталикларни самарали даволаш ишларини йўлга қўйиб олдик.

Сиҳатгоҳда беморлар массаж, маъдан сувли ванналар, шифобахш балчиқ, сандал, салмокс каби иссиқ муолажалар, хитойча игна санчиб даволаш, халқ табобати бўйича доривор гиёҳлар билан даволаш йўлга қўйилган.

Бу ерда йўлланмалар турли тармоқ касаба уюшмалари томонидан берилади. Сиҳатгоҳнинг ўзидан ҳам нақд пулга ёки маблағ ўтказиш йўли билан ҳам йўлланма харид қилиш мумкин.

Бир йўла 100 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган муолажа хоналари, шунингдек, ошхона, кутубхона ва спорт зали ҳамиша гавжум. Сиҳатгоҳ қошида «Нафис сув» деб номланган яхна ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган кичик корхона мунтазам ишлаб турибди. Сирдарё туманига қўшни Сайхунобод, Мирзаобод, Тошкент вилоятининг Чиноз туманлари ва Тошкент шаҳри, Қозоғистон ҳамда Тожикистон Республикалари фуқаролари ҳам «Нафис сув»дан харид қилишмоқда.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Термиз шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳудудни тоза, озода сақлаш мақсадида замонавий русумдаги бир нечта сув пуркагич, чиқинди юклагич, бошқа техникалар келтирилганлиги боис озодалик мунтазам равишда сақланмоқда.*

# Термиз кўчаларида «Isuzu»лар

Яқинда Термиз шаҳрига «ISUZU» автобусларидан 30 таси келтирилди.

— Шаҳримизга келтирилган бу автобуслар аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшиламоқда. Уларда йўл ҳақи хусусий автомобилларга нисбатан арзон, мактаб ўқувчиларига 50 фоиз имтиёз билан хизмат қилмоқда. Яқин кунларда яна 20 та автобус келтириб, шаҳар атрофига қатновни йўлга қўймоқчимиз, — дейди Термиз шаҳар ҳокими Қораҳон Турсунов.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Халқаро конференция

**Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида республика Фанлар академиясига қарашли жанубий минтақавий илмий марказ ташаббуси билан Ёшлар йилига бағишлаб «Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилишда ёшларнинг ўрни» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.**

Икки кун давом этган мулоқотда Тошкент ирригация ва мелиорация, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Нидерландиянинг Вагенинген университети ўқитувчилари, талабалари ҳамда мутахассислари иштирок этдилар.

Қизиқарли ўтган телесуҳбатда атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари, Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳолатни мўътадиллаштириш, сув ресурслари мониторинги ва шўрсизлантириш технологияси, саноат чиқиндиларининг табиат ва иқлимга таъсири, газлар эмиссиясининг тупроқдан чиқишини ўрганиш, ёшлар ва экология маданияти сингари мавзуларда чиқишлар уюштирилди.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Р.Хабировнинг таъкидлашича, конференцияни ташкил этишдан мақсад табиат ва экология муаммолари ечимини топишга ёшларни кенг жалб қилиш, бу соҳада халқаро лойиҳаларни амалга ошириш, мутахассислар билими ва малакасини мустаҳкамлашдан иборат.

**Ўз мухбиримиз**

# «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари — Анталияда

**Бу йил Қашқа воҳасининг тоғ ёнбағирларида, зилол сувли дарёларнинг сўлим соҳилларида жойлашган оромгоҳларда 28 мингдан зиёд ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ўтказади.**

Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгашининг доимий ғамхўрлиги туфайли баҳаво гўшаларда ўғил-қизларнинг дам олишлари учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтказишда Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгашининг вилоятдаги вакиллигига кирувчи корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги болалар оромгоҳларида кенг кўламли ва ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан мингга яқин бола Шаҳрисабзнинг хушманзара Беруний номли оромгоҳида ҳордиқ чиқаради.

Мамлакатимизнинг йирик саноат гиганти Шўртангаз кимё мажмуасига қарашли «Лочин» оромгоҳида фарзандларимиз қаторида Туркия, Россия, Украина давлатларидан келган болалар ҳам дам олиб, ҳордиқ чиқаришади. Бундан ташқари, мажмуа ишчи-хизматчиларининг фарзандлари, Қамаши «Меҳрибонлик» уйининг тарбияланувчилари Туркиянинг Анталия соҳилларидаги «Пинара» халқаро болалар оромгоҳида мавсумни ўтказишади.

Муборак газни қайта ишлаш заводининг «Ниҳол», «Шўртаннефтгаз»нинг А.Азиз Қориев номли, «Муборакнефтгаз»нинг «Ёш алангачи» каби бир қатор оромгоҳларида ёзги соғломлаштириш мавсуми мазмунли ва мароқли ўтмоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ**



# Оила – балолардан асровчи қалъа

### ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Тонгда деразамиз олдидаги гулларга сув қуяётиб, билмасдан мусичани ҳуркитиб юбордим. Қарасам, гулнинг остида мўъжазгина қурилган «уйча»да иккита тухум турарди. Уч кунда уя қуриб бу ерга эгалик қилган мусичалар бир ойдан кўпроқ меҳмонимиз бўлди. Полапонларини тухумдан чиқаргунча бечора қуш ҳафта-ўн кун на сув ичди, на дон еди, кейин ҳам боласини бағрига босиб, ҳеч кимга кўрсатмади. Ота мусича тинимсиз егулик ташийди. Она мусича уни оғзида майдалаб полапонларига тутади.

Болалар-ку бола, биз катталар ҳам уларнинг ҳаракатини соатлаб кузатишдан чарчамаймиз. Полапонлар кун сайин ўсади. Ота-онаси уясига сиғмай қолди, аммо атрофидан узоқлашмайди. Оддий бир қушнинг боласига меҳри, оиласи олдида масъулияти бизни ҳайратга соларди.

Бир куни ишдан келсам, полапонлардан бири гултувакнинг чеккасига қўниб турибди. Мени кўриб учди-кетди. Эртасига иккинчиси ҳам уясини тарк этди. Шу-шу, улар қайтмади. Бу йилги баҳорда яна гулларни дераза олдига чиқариб қўйдим. Бир куни не кўз билан кўрайки, гулларнинг остида мўъжазгина «уйча», унда мунчоқ кўзлари милтиллаб мусича турарди, бўйнида эса полапонлигида ўғлим осиб қўйган белги.

Қувониб кетдим...

Абдусаттор мактабни аъло баҳоларга тугатиб, шаҳарга ўқишга кетди. Институтга кира олмагач, қишлоғига қайтишга уялди. Заводга ишга жойлашди, малласоч бир гўзалга ишқи тушиб, унинг юртига кетди. Буни онасига айтса кечирмаслигини билиб, яширди...

Онанинг кўзи йўлда тўрт бўлди. Синглиси бўйи етиб, турмушга чиқди. Она ёлғиз ўғилни кутиб, умри хазон бўлди. Синглиси Ҳанифахон она уйида акам келар, уйланар деган ниятда янги иморат қурдирди. Онаси йиққан, терган сарполарни асради. Акасининг на тириги, на ўлигини билди. Охири тақдирга тан берганида унинг дараги чиқди. Россияда ўқийдиган қўшниси Нигора курсдошларини қишлоққа, акасининг тўйига олиб келди. Тўйга Ҳанифахон ҳам борди. Дарвоза олдида меҳмонларга дуч келиб, ҳайратда қолди. Уларнинг орасидаги бир йигитча қуйиб қўйгандек акасига ўхшарди. Шу куни Ҳанифа тўй томоша қилмади, фақат акасига ўхшаган йигитчани кузатди. Туни билан безовта бўлиб чиқди, тонгга яқин кўзи илиниб, акасини тушида кўрди. «Мен қайтдим, эшикларни оч» дермиш. Ёнида эса ҳалиги бола. Тушини эрига айтди. У кулди:

— Акангнинг ўғлидир-да ўша бола. Ахир уни Россияга кетган дейишади-ку. Балки...

Ҳанифа эрини койиса ҳам аслида у кўнглидагини топган эди. Аммо буни тан олишга қўрқди. Тоғорани баҳона қилиб тўйхонага борди. Атрофдан ҳалиги болани излади. Узоқдан уни кўриши билан юраги яна қаттиқ ура бошлади. Йигитча ҳам бошини силкитиб саломлашгандай бўлди. Нигорадан унинг исмини сўради. Қиз «куёв қилмоқчимисиз?» деб ҳазиллашди. Ўртоқларининг бизникига олиб ўт деб қайта-қайта тайинлаб, уйига қайтди. Кўз олдидан меҳмон йигитча, қулоғи остидан акасининг овози кетмади. Иссиқ нон ёпди. Акаси яхши кўрадиган кулчалар пиширди. Тўртта кулчани рўмолга ўраб, акасининг суратини олиб яна қўшниникига борди. Нигорага суратни кўрсатди. «Қара, бу менинг акам, у жуда ҳам ўртоғингга ўхшайди-я», — деди. Бир пасда расм қўлма-қўл бўлиб кетди. Акасига ўхшаган йигитча энг охирида етиб борди. У суратга боқиб, ҳайрон қолди. Нигорага ўз тилида нимадир деди. Сўнг Ҳанифанинг ёнига келиб, унинг кимлигини сўради. Йигитчанинг сўровларини Нигора таржима қилиб турди.

Ҳанифа кўнглига, тушларига ишонарди-ю, бундай воқеани — акасининг ўғли қиёфасида қайтиб келишига сира ҳам ишонмасди. Аммо шундай бўлди.

Маълум бўлишича, акаси ўша йиллардаёқ хотини билан автоҳалокатга учраб ҳалок бўлишган, аммо Аллоҳнинг иродаси билан уларнинг чақалоғи омон қолган экан. Болани қўшниси асраб олибди, уни онам деб ўйларкан. Чунки болани ўзларининг фамилиясига ўтказишган экан-да. Аммо ўтган йили у оғир касалга чалинади. Шунда болага бор гапни айтибди. Ота-онасининг суратини, ҳужжатларини бериб, бандаликни бажо келтирибди. Ана шу ўғлон курсдошлари билан, аслида қариндошларини излаб бу ёқларга келган экан...

Бир йилдан кейин у ўқишини тугатиб, ота уйига қайтди. Бу ердан кетгиси келмаётганини айтди. Отасига аталган сарпо ўғилга насиб қилди. Ўттиз йилдан сўнг бу хонадонда ҳам карнай садоси эшитилди. Нигора келин бўлди. Оиладаги тарбия, маънавият сарҳадлар ошиб яна ўз ўзанига қайтди.

### «МЕНИНГ ҲАМ ОТАМ БОРМИ?»

Биз ўзбекларда оила эрта шаклланади. Оилаларнинг турмуш тарзи билан жамият тараққиёти узвий боғлиқ. Бирдаги нохушлик иккинчисига таъсир кўрсатади.

Шундай оилани биламан. Севишиб турмуш қуришган эди. Қизнинг ота-онаси тўйга норизо бўлди. Аммо... тўй қилмасликнинг иложи қолмаганлигини сезгач, оғриниб фотиҳа беришганди. Келин-куёв икки йилда икки фарзандли бўлишди. Келиннинг рўзғор тебратишга уқувсизлиги фарзандли бўлгач билинди-қолди. Қайнона ориятли аёл эди, уйдаги гапни кўчага чиқармади. Ўғли ғижимланган шимда жиғибийрон бўлиб ишга кетаётганини кўриб эзилса ҳам ҳали ёш-да, рўзғорнинг паст-баландига тушунмайди дея келинининг унча-бунча эркаликларини кўтариб, ўзини овутиб яшарди.

Онахон невараларини данакнинг мағзи деб билар, кун бўйи елкасида опичлаб юрса, тунлари эрка келинининг уйқусини бузмаслик учун бешик тебратиб чиқарди. Нима бўлди-ю, иссиқ жоннинг иситмаси деганларидек, ётиб қолди. Қизи ўқишга кетганди. Куни келинга қолди. Келин эса ўзи билан ўзи, бир пиёла сувга зор, томоғи қақраб ётган қайнонасига қараш у ёқда турсин, касали юқади деб ётган хонасига бош ҳам суқмасди. Қайнона умид билан эшикка термулар, катта невараси Нигораой йиқилиб-сурилиб ёнига келарди. Кўйлаклари кир-чир, оёқлари лой. Онахон буни кўриб баттар эзиларди. Охири чидолмади, ўрнидан турди, уйини йиғиштирмоқчи бўлди, боши айланиб, йиқилди. Шу йиқилганича ўн беш кун касалхонада ётди.

Уйига келса, келин йўқ. Аразлаб онасиникига кетибди. Ўғлига олиб кел деб ялинди, невараларини соғинганини айтиб кўзига ёш олди. Ўғли кўнмагач, ўзи қудасиникига борди. Қудалар отдан тушсада, эгардан тушмади. «Ўғлингни қаматаман, қизимни урган қўлларини синдираман» дея дағдаға қилди эркак қуда. Онахон ноумид уйига қайтди. Оиладан ҳаловат кетди. Ўғли бебарор хотин туфайли кўп азият чекди. Маҳаллада, ишхонасида бош кўтаролмай қолди. Қудалар эса номардлик йўлига ўтди. Қизимнинг маҳрига тушган деб ҳатто уйини ҳам бузиб, ёғочларини ташиб кетишди.

Онахон не машаққатлар билан қурган уйининг бузилганини кўриб, келинидан кўнгли совиди. Қудаларини худога солди. Аммо юрагини бир армон ўртайверди. Рўзғордан қисиб, емай-ичмай, ўғлимни уйлантираман деб тийинлаб йиққан пуллари нечун ҳаромга чиқди экан?! Она ўйлади, ўйлайверди. Яна йиқитилган уй ўрнига уйлар тикланди, яна тўйлар бўлди бу хонадонда, аммо қалбидаги армон битмади.

Икки гўдак эса катталарга ҳайрат билан боқиб дадаларини сўроқлашди. «Даданг ёмон» деди бувиси, «даданг ўлган» деди онаси. Болаларнинг юраги қабарди, ишонишмади уларнинг сўзига.

Энди болалар учун тонг оталарининг нурли нигоҳи бўлиб эмас, соғинч, армонга қорилиб отар, қуёш оталаридек меҳрибон, нурафшон бўлса ҳам улардан узоқда эди. Болалар ёлғиз қолишганда бир-бирларининг пинжига кириб, сирли-сирли суҳбат қуришарди.

— Бизнинг ҳам дадамиз бор-а, опажон? — дерди Азизжон энтикиш билан. — Ўлмаган-а?

— Ойим жаҳли чиққанда шундай дейди. Бизнинг дадамиз энг яхши, энг чиройли, худди кинода кўрган Алпомишдек, — қайта-қайта уқтирарди Нигора билағонлик билан укасига.

— Мен уни тушимда кўрдим, — дейди Азизжон.

— Мен эса ўзини кўрганман, — мақтанади Нигора.

— Қанийди мен ҳам дадамни кўрсам, — Азизжон йиғлаб юборади. Нигора ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган қизлардек уни бағрига олиб эркалайди.

— Йиғлама, дадам албатта келади, иккаламизни олиб узоқ-узоқларга кетади.

Гўдаклар қалбидаги армон умидга айланади. Бу армонларга йўғрилиб тонг отади, бу армон юкига эзилиб кун ботади. Умр йўлларида умидвор эртаклар тўқилади. Ота янги қурган оиласи, ширингина ўғилчасининг шўхликлари билан бўлиб фарзандларини унутади. Баъзан тушларида Азиз бўлиб таъқиб этади бир ўғлон, Нигора бўлиб йиғлайди бир қизча. Шунда хотиранинг туманлари тарқаб, ярқираб соғинч кўз очади. Аммо жажжи ўғилчасини кўҳликкина кийинтириб боғчага олиб бораркан, ҳамма нарсани унутади.

### ҚАЙТАР ДУНЁ

Жамиятнинг муҳрланган қонунларидан ташқари ҳаётнинг ёзилмаган қонун-қоидалари бор. Муқаддас динимизда таъкидланишича, оила ҳам кичик бир мамлакат. Унинг бошлиғи ота. У оила баркамоллиги, саодатли турмуш учун ҳамиша масъулдир. «Барчангиз қўл остингиздаги аҳли аёлингиз хусусида масъулсизлар», — деб таъкидланади ҳадиси шарифда.

Бир отани биламан, сўзлари бамаъни, олим одам. Маънавият ҳақида сўз кетса даврадагиларга гап бермайди. Аммо у уч ўғлининг шамшоддек қаддини букиб, ишхонасидаги ёшгина жувоннинг уйига кўчиб ўтди. Биринчи тўнғич ўғилнинг боши эгилди. У уйланган эди. Гулрухсори нозланиб қайнотаси ҳақидаги ғийбатни унга етказди. Йигит уч кун уйдан чиқмади, еб-ичишдан эзилди. Отадан ор қилди, онасининг кўзига қарашга қўрқди.

Кейинги ўғил олимлик синови олдида турганди. Илмий раҳбаридан ўзи билиб, билганидан орланиб юрган бу «янгиликни» эшитиб, қалқиб кетди. Отасидан ҳам, унинг бу «олим» жўрасидан ҳам кўнгли қолди, боши эгилди.

Учинчи ўғил ҳаётни шоир кўзи билан кўрарди. Курсдош қизларнинг гўзаллигини хаёлида яшириб, шеърлар ёзарди! Аммо севган қизининг «Отадан ўғил...» деган сўзидан кейин ҳаётдан совиди. Ўч бўлиб яшайди энди отаси унинг юрагида.

Бешафқат ҳаёт оқимига отди ўзини. Отаси силамаган бошини бегоналар «силади». Қиморбозлар билан дўст тутиниб, қамалиб кетди.

Ота эса, йиртиққа ямоқ деганларидек, эллик ёшида яна ўғилли бўлди. Шоҳларнинг исмини қўйди ўғлига. Ношуд акаларига ўхшамаслигини тилади ота. Қиморбоз ўғлини қарғади унинг кўзларига қараб. Ҳозир ҳам ота ўзини айбсиз сезади, ҳозир ҳам ундан комил, доно одам йўқ. Қайтар дунё деганларидек, ота қўл-оёғи ишламай ётиб қолди. Кўчадан нон еб юрган ёш хотин ёшлигини эслаб яна кўчага кетди, эр қаровсиз қолди...

Миллатнинг чинордек бақувват илдиз отиши, қуёшдек жаҳонга нур таратиши учун оилалар мустаҳкам бўлиши керак. Оила инсонни барча кўргуликлардан, бало-қазолардан асрагувчи мустаҳкам қалъа. Бу қалъанинг султони — ота, доно, тадбиркор вазири — она. Кўпчилик ўйлагандек оила никоҳни қайд этишдангина иборат эмас. Икки ёш аҳдлашиб, аҳдлари муқаддас оила мезонига тушгунча, озмунча синовдан ўтадими? Бир бутунлик, ном, миллат каби улкан тушунчаларнинг асос-эътибори оиладан бошланади.

**Амина ҚОДИРОВА**

## Қалампир – аччиқ, аммо у даво



***Жамият бетиним ҳаракат асосига қурилган: тўхташ чўкиш демакдир. Модомики, ҳар бир онгли шахс мазмунлироқ умр кечиришни истар экан, замон билан ҳамнафас қадам ташламоғи керак. Бир сўз билан айтганда, кечаги чипта бугунга ўтмайди. Касаба уюшма ташкилоти — меҳнаткаш ва иш берувчи ўртасидаги «кўприк» экан, «ёғин-сочин» ҳам бир зум тинмайди. Демакки, кўприкнинг янада мустаҳкам бўлмоғи учун уни ҳар лаҳза таъмирлаб бормоқ лозим. Шу маънода, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида ходимлар малакасини ошириб бориш жараёнининг узлуксизлиги, шубҳасиз, давр билан ҳамқадам одимлашни, изланишлар тўхтамаётганлигини англатади.***

***Шу йилнинг 15 июнидан 21 июнига қадар Федерация Кенгаши Ўқув марказида Ўзбекистон Фанлар Академияси тизимидаги ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълимидаги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисларининг билим, кўникма ва малакаларини оширишлари учун ўқув курслари ташкиллаштирилди. Касабақўмлар Федерация IV қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган асосий вазифалар ва Федерация кенгашининг «Ёшлар йили» бўйича дастур тадбирлари хусусида, шунингдек, «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда касаба уюшмаларининг роли», «Терроризмнинг бугунги жамият ривожига хавфи», «Меҳнат муҳофазаси ва шароитлари», «Касаба уюшмаси аъзолик афзалликларини асослаш омиллари», «Соғлом руҳият — соғлом турмуш асоси» сингари турли мавзуларда маъруза тинглаш билан бирга пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат ҳам уюштиришди.***

***17 июн куни эса мазкур тадбир доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган касабақўмларнинг «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти аъзолари билан ижодий мулоқоти бўлиб ўтди. Газета бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов, бош муҳаррир ўринбосари Довуд Маъдиев ва бошқа мухбирлар қатнашган ушбу учрашув «Жамият тараққиётида ОАВнинг ўрни» мавзуида ташкил этилди. Қуйида мазкур мулоқотдан ёзиб олинган репортажни эътиборингизга ҳавола этамиз.***

# Тўхташ – чўкиш дегани

**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири:**

**— Матбуот — жамият ва шахс ўртасидаги «олтин кўприк» экан, босма нашрлар одамлардан бир қадам илгари юрган ҳолда уларни олдинга етаклаши лозим. Бунинг учун эса газеталар том маънода халқона бўлмоғи, ўз аудиториясини ҳам миллат вакиллари ҳисобига кенгайтирмоғи керак. Ўшандагина жамият тараққиёти олға силжийди. Бир иборани такрорлашдан ҳеч ҳам чарчамаймиз: «Инсонга наф келтириш — олий бахт» сўзлари бу фақатгина шиор эмас, балки Касаба уюшмалари Федерациясининг бутун борлиғи, ҳаракат мазмуни ва том маънодаги характеридир. Айнан шу жараён минбари бўлган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг халқ нашри бўлмоғи учун эса барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз шарт. Яна ўн-йигирма йил ўтар, шундай кун келади, янги авлод вакиллари янгича тасаввур билан иш бошлайдилар. Ўша кунлар учун эса бугун биз елка тутиб беришимиз шарт. Бунинг учун нималар қилишимиз керак? Жойлардаги муштарийларимиз кўпроқ нималарни билишни истайди? Шулар ҳақида сизларни тингласак, ўйлайманки, ҳар томонлама фойдали бўларди...**



**Нуринисо ХОЛИҚОВА, Ҳамза туман қурилиш коллежи:**

— Ўқитувчилик — машаққатли ва шарафли касб. Муаллим бола онгининг шаклланишида уни йўналтирувчи шахс эканлигини инобатга олсак, уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш билвосита келажакка дахлдор ҳодиса. Таътил вақтида ўқитувчиларнинг турли сиҳатгоҳларда ўз соғлиқларини тиклашлари учун Касаба уюшмаси қўлдан келганча ҳаракат қилаяпти. Аммо Республикамиздаги айрим сиҳатгоҳларда йўлланма билан борган ўқитувчининг ўрнига нақд пул тўлаган бошқа одамни жойлаштириш ҳоллари кузатилмоқда. Нима, ўқитувчи текинга дам олаяптими? Бу ҳақида газетада алоҳида материал чоп этилиши шарт...



**Облоқул САЪДУЛЛАЕВ, Жиззах педагогика коллежи:**

— Матбуотни «сариқ» ё «қора» деб ажратишларини ҳеч тушунмайман. Масалан, мактабга «Даракчи» олиб борсам, муаллимлар «Халқ сўзи» ёки «Ishonch» газеталаридан кўра ўша «сариқ нашр»ни кўпроқ талашиб ўқишади. Нега? Чунки одамларда шунга эҳтиёж бор. Битта бўлса ҳам ўқувчиси мавжуд нашрнинг халққа кераги йўқ деб бўлмайди. Бу билан «Ishonch» зерикарли газета демоқчи эмасман. Аммо бозорга мослашиш ҳам керак-да...

**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири:**

— Сиз ўрнак сифатида тилга олган нашрларнинг, дарҳақиқат, аудиторияси ҳам тиражи ҳам катта. Бироқ бу нима эвазига келаяпти? Бугун аҳвол шундай: турмуш ташвишларидан чарчаган одамлар кўпроқ енгил ҳазм бўладиган материалларни истайди. Аммо бу ҳолат янада оловлантириш — таназзул сари қадам қўйиш-ку! Наҳотки, сиз иккита отарчининг қандай мошин мингани-ю, ити нима овқат ейиши ҳақидаги ғийбат билан савияни ошириш мумкин деб ўйласангиз. Бугун одамларда фикр танқислиги, тафаккурдан қочиш авж олаётган бўлса, биз ҳам уларга мослашишимиз керакми? Ёки уларни олдинга етаклашимиз лозим?!.



**Ахтам СУЛТОНОВ, Кармана қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи:**

— Ишхонада севимли нашримизнинг илгариги сонларини ҳам асраб қўйганман. Ўқитувчилар бирор бир масалада мурожаат қилишса, улар менга роса асқотаяптида. Яна бир таклиф: илмий, одамни кенг мушоҳада чорлайдиган материаллар кўпроқ бериб борилса, одамлар савиясининг ўзгаришига ҳам жиддий таъсир кўрсатган бўларди.

**Равшан БЕДИЛОВ, ЎзФА Математика ва информацион технология институти:**

— XXI аср — техника асри. Бугун бутундунё «Internet»дан кенг фойдаланмоқда.



Шу даражадаки, жуда кўп ишни уйда ўтирган ҳолда «ўргимчак тўри» орқали бажариш мумкин. Бир кун келиб, газетаю журнал, ҳатто телевидение ҳам «ўлади». Ўрнини «Internet» эгаллайди. Масалан, «Ishonch»да бирор бир футбол ўйини ҳақида ахборот берасизлар. Бироқ бунинг ҳеч кимга қизиғи йўқ, чунки ҳамма ўйинни кўрган, тафсилотлар таниш... Бунинг ўрнига вилоятлардаги мавжуд аҳвол, ички муаммолар ҳақида кўпроқ материал бериб борилса, дурустроқ бўларди.

**Облоқул САЪДУЛЛАЕВ, Жиззах педагогика коллежи:**

— Албатта, газета одамларни олға қадам босишга ундаши керак. Мен бошқа давлатлар ҳаёти, ўзга миллатлар урф-одатлари, у ердаги одамларнинг илмий фаолиятлари ҳақида кўпроқ материаллар бериб борилса, яхши бўларди демоқчи эдим...

**Довуд МАЪДИЕВ, «Ishonch-Доверие» газетаси бош муҳаррир ўринбосари:**

— Чанқаб турган одам денгизни симириб юборсам, дейди. Аммо унга меъёридан озгина кўпроқ сув бериб юборсангиз, касал бўлиб қолиши мумкин. Қалампир — аччиқ, аммо у даво. Шакар — ширин, кўпроғи эса томоқни оғритади. Шу маънода, бугунги ўқувчига ахборот беришдан олдин жуда чуқур ўйлаб кўриш керак. Токи, вазият етилиб келгунга қадар сир сақлаш ҳам — ақлли тадбир. Менимча, кўпроқ ҳуқуқий материаллар бериб борсак, одамларга аввало ўз ҳуқуқини танишида ёрдам берсак, тўғри иш бўларди.



**Мавжуда МИРХАМИДОВА, Ховос транспорт касб-ҳунар коллежи:**

— «Ishonch» газетасида алоҳида рукн ташкил этилиб, унда касаба уюшма қонунчилигидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан парча бериб борилса, фаолиятимизни юритишимизда фойдали бўларди. Масалан, меҳнат муҳофазаси ҳақидаги хорижий тажрибалар, қонунчилик ва мавжуд аҳвол — жуда қизиқ...



**Зайниддин МУРОДОВ, ЎзФА Ядро физикаси институти:**

— Кўпроқ «Ishonch-Доверие»ни ўқиб бораман. Айтиш мумкинки, бугун ушбу русча нашрда ҳам ўзгариш катта. Қанақадир ёшараяпти. Бироқ газета ҳали ҳам айрим «кечикиб юришлар»дан қутилолмагандек, назаримда. Истардимки, севимли газетамизда ҳуқуқий савол-жавоблар, хориж касаба уюшмаси ҳаётидан лавҳалар кўпроқ бериб борилса, ҳаммамиз учун жуда фойдали иш бўларди.



Мулоқот кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Сэм Блэк айтмоқчи «ўзаро бир-бирини тушуниш санъати» — жамият пойдевори эканлиги яна бир бор ўз исботини топгандек эди.

**Ўз мухбиримиз ёзиб олди.**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

# Ҳуқуқини билган ютқазмайди



## ? Директор рухсат бермаяпти

Диплом бўйича касбим — прораб, ишлаб чиқариш мастери деб ёзилган. Мактаб директори эса меҳнат таълимидан дарс беришим учун рухсат бермаяпти, шу тўғрими?

**А.АБДУЛЛАЕВ,**
**Хоразм вилояти**

!

**Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори 3-иловадаги Низомга мувофиқ педагогика олий ёки ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни умумтаълим муассасаларига педагогик лавозимларга қабул қилишга йўл қўйилмайди. Педагогик олий таълим муассасасининг 4-курсида ўқиётган шахслар педагогик ишини амалга ошириш учун қўйилиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.**

**Умумтаълим муассасаларининг ўрта махсус, касбий ёки олий маълумотга эга бўлмаган, мазкур Низом кучга кирган пайтда педагогик фаолиятни амалга ошираётган педагог ходимлар олий таълим муассасаларига ўқишга кириб педагогик маълумот олсаларгина, мактабда тегишли лавозимда ишлай олишлари мумкин.**

**Ю.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси**

## ? Турар жойдан фойдаланиш

Фуқаронинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишда нима асос бўлади?

!

**Бизга маълумки, доимий яшаётган фуқаро турар жойида вақтинча яшамаганида ёки бўлмаганида бу жой, Уй-жой кодексида белгиланган қоидага биноан, олти ой муддат мобайнида унинг ҳисобида сақланиб туради.**

**Фуқаронинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш учун шу фуқаронинг мазкур турар жойда олти ойдан ортиқ муддат мобайнида узрли сабабларсиз бўлмаганлиги асос бўлади. Фуқарони турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, турар жой мулкдорининг ёки мулкдорларидан бирининг даъво аризасига биноан фақат суд тартибида амалга оширилади.**

**Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисида даъво билан мурожаат этиш ҳуқуқи жавобгар турар жойни ташлаб чиқиб кетган кундан бошлаб олти ой ўтганидан кейингина юзага келади.**

## ? Мерос ҳуқуқи

Фуқаро ўзининг мол-мулкини жиянига қолдириб, барча меросхўрларни меросдан маҳрум қилган, шундай қилиш мумкинми?

!

Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига асосан фуқаро ўзига тегишли бўлган мол-мулкини ёки бу мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб аталади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим, вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Фуқаро ўзинининг барча мол-мулкини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини бошқарии органларига васият қилиши мумкин. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

## ? Автомашина ва ишончнома

**Фарзандимга автомашинани бошқариш учун ишончнома бериш ниятидаман, қандай ҳужжатлар тақдим этиш лозим ва имтиёзлар борми?**

!

— Автомашинани бошқариш ҳуқуқи билан 3 йил муддатга бир эмас бир неча фарзандларингизга ҳам ишончнома беришингиз мумкин.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар:

— ота ва фарзандларнинг паспортлари;

— автомашинанинг техник гувоҳномаси;

— қариндошлик-фарзандлик даражасини тасдиқловчи туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари нусхаси тақдим этилади.

Бугунги кунда Республикамизда амал қилаётган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи имтиёзли равишда, шунингдек, герб йиғими ва қўшимча пуллик ҳуқуқий хизматлар ундирилади.

**Саволларга Собир Раҳимов тумани 2-сон давлат нотариуси Дилбар ҚОСИМОВА жавоб берди**

## Нафс балоси

***Юртимизда тадбиркорларга қатор имтиёз ва енгилликлар яратилган. Шунга қарамай, қонунни четлаб ўтишга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Бошқарма ходимлари Юнусобод тумани Амир Темур кўчаси 88-уйда жойлашган «Aysel invest» қўшма корхонасига қарашли «Raddison sas hotel Tashkent» меҳмонхонасининг «Piano bar» барида ўтказган тадбирда харидорлар А.Семёнов ва А.Хабибуллиналарга 500 АҚШ долларига маҳсулот сотилиб, 557.435 сўмлик квитанция берилганлиги аниқланди.***

Тафтиш жараёнида меҳмонхона ёрдамчи хўжалиги хоналари қўздан кечирилди ва хорижда ишлаб чиқарилган, акциз маркасиз 252 млн. 7 минг 928 сўмлик спиртли ичимликлар борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

2008 йил 22 май куни департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва шаҳар ДСБ ходимлари ҳамкорликда Шайхонтоҳур тумани «Азамат Аброр Сервис» хусусий фирмаси биносида жойлашган, тадбиркор Аҳрор Низомовга қарашли дўконда ўтказилган текширувда ҳам бир қатор қонунбузарликлар аниқланди. Хусусан, дўкон сотувчилари Д.Абдуллаев ва З.Абдуллаевлар харидор Ф.Комиловга 3400 долларлик маҳсулот учун НКМ чекини бермаган. 3 млн. 748 минг 900 сўм НКМ хотирасига киритилмаган, 2 млн. 570 минг сўм банкка топширилмаган. Савдо зали ва омборхоналарда кирим ҳужжатлари бўлмаган 150 млн. сўмликдан ортиқ оргтехника воситалари сақланган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилди.

**Ф.ҚАҲҲОРОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи**

**Газетамизнинг 71-сонида ваъда қилганимиздек, ушбу саҳифада Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида тўхталишни лозим топдик.**

**— Чет элдаги меҳнат фаолияти қайси қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинади?**

— Ўзбекистон фуқароларининг чет эллардаги фаолияти «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида»ги НИЗОМ ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

**— Чет элда ишлаш истаги билан қайси идораларга мурожаат этиш мумкин?**

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

**— Агар фуқаро чет элда хусусий контракт бўйича ишламоқчи бўлса, қандай ҳужжатлар тақдим этиши керак? Уларни расмийлаштириш учун қаерга мурожаат қилиши лозим?**

— Фуқароларнинг хусусий контрактлар бўйича чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан белгиланган шаклга мувофиқ бериладиган рухсатномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан рухсатнома берилгандан кейин фуқаролар чиқишни расмийлаштириш учун яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг келиш, кетиш ва фуқаролик бошқармаси бўлинмасига ариза берадилар.

Ўзбекистон Республикасининг хусусий меҳнат контрактига эга бўлган фуқаролари чет элларда ижтимоий муҳофазаланишни таъминлаш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этадилар:

ариза;

хорижий фирмадан (иш берувчидан) олинган давлат тилига таржима қилинган, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғурта кўрсатилган, шунингдек, меҳнат визаси (EMPLOYMENT VIZA) билан таъминлаш борасида иш берувчининг мажбурияти назарда тутилган ҳолда нотариал тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан легализация қилинган контракт нусхаси;

иш берувчи тўғрисидаги қисқа маълумотлар;

маълумотнома-холиснома;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли шаклдаги соғлигининг ҳолати тўғрисида маълумотнома.

Фуқароларга чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга ишга жўнатиш учун номзодларни танлаш бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорлари асосида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилади.

Рухсатнома бланкасида рухсатномани берган органнинг номи, унинг юридик манзили, рўйхатдан ўтказиш рақами, рухсатнома берилган мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг фуқаролиги, фаолият тури, рухсатнома амал қиладиган ҳудуд, амал қилиш муддати, узайтириш вақти кўрсатилади. Рухсатнома Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ваколатли раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

**— Меҳнат контракти муддати узайтирилса, рухсатнома муддати ҳам узайтирилиши мумкинми?**

— Ариза берувчининг илтимосига кўра мазкур контракт узайтирилган тақдирда рухсатноманинг амал қилиш муддати белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилиши мумкин. Рухсатнома берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун белгиланган тартибда тўлов ундирилади. Мазкур тўлов рухсатнома бериш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга сарфланади.

**— Рухсатнома олишнинг мажбурий тартиби кимларга нисбатан қўлланилмайди?**

— Рухсатнома олишнинг мазкур Низомда белгиланган мажбурий тартиби Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқароларига нисбатан қўлланилмайди:

а) Ўзбекистон Республикасининг чет элллардаги дипломатик ва консуллик муассасалари ходимлари;

б) олий касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳукуматлараро дастурлари доирасида таътил даврида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар;

в) Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги мухбирлари ва журналистлари;

г) хорижий олий касб-ҳунар таълими муассасаларида маърузалар курси ўқиш ва бошқа ишлар учун таклиф этилган лекторлар ва инструкторлар;

д) Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан тузган давлатлараро битимларида ишга жойлашишлари улар учун ўзгача тартиби белгиланган шахслар, шунингдек, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар томонидан хорижий ташкилотлар билан тузилган идоралараро шартномалар (битимлар) бўйича ишга кетаётган шахслар.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими тайёрлади**

Май ойининг бошларида Қашқадарёда ғалати гап тарқалди — фалон ерда улкан илонни ўлдиришибди. Қорнини ёриб кўришганда битта қўй (кейинчалик бу рақам иккита қўй ва битта эчкига кўпайди) чиқибди. Узунлиги 7 метр, оғирлиги 300 кило (сўнгроқ узунлиги 10 метр, оғирлиги 1 тоннадан ошди) экан. Бу гапларнинг исботи сифатида илоннинг рангли суратлари ҳам пайдо бўлди. Бу суратлар кўпайтирилиб, аҳоли ўртасида 300 сўмдан 1000 сўмгача сотилгани ҳам рост.



# Улкан илон

## Миш-мишми, ҳақиқат?

Миш-мишларга осонгина ишонадиган одамлар билан бир қаторда қўли билан ушлаб кўрмагунча ишонмайдиганлар ҳам кўп.

— Бу бекорчилар ўйлаб топган ҳазил бўлса керак, — дейди бир суҳбатдошимиз.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — дейди бошқа бири. У фикрини далиллар билан исботлашга уринади. — Илоннинг тишларига эътибор қилдингизми? Юқори жағида қозиқдек-қозиқдек тўрт қатор тиши бор. Улар қирқ-элликтадан кам эмас. Пастки жағида эса бунақа тиш йўқ. Табиатда бундай номутаносиблик бўлиши мумкин эмас.

— Қиш пайтида дала-даштда ким илон кўрган?

Дабдурустдан берилган бу саволга бир хил жавоб бўлди:

— Қишда илонлар уйқуга кетади, дала-даштда нима қилсин?

— Ҳамма гап шунда-да. Қўлингиздаги суратлар етти йил олдин, 2001 йилнинг 14 феврал куни соат 17 дан ўтганда рақамли фотоаппарат билан туширилган.

— Буни қаердан билдингиз?

— Тасвирни компютерга киритган эдим, ҳозир мен сизга айтган маълумотларни ёзиб чиқарди.

— Балки сураткашнинг аппаратида кун ва соат нотўғри ўрнатилгандир. Узоқ вақт фойдаланилмаган фотоаппаратларда бўлади-ку шунақаси.

— Бу гапда жон бор. Аниғи ҳам шу бўлса керак. Тасвирдаги чароғон ҳаво, баланд ўсган ўт-ўлан бунинг исботи. Хулоса — сурат ёз ойларида туширилган. Лекин қачон, қаерда?

— Балки у бор-йўғи компютерда ясалган сохта суратдир? Жағ тишларидаги номутаносиблик бунинг исботи эмасми?

— Мутахассис бўлмаганимиз учун биронтамиз буни тушунтириб беролмаймиз...

Мунозарани шу ерда тўхтатсак ҳам бўларди. Аммо сўнгги кунларда оғиздан-оғизга ўтаётган яна бир миш-миш бу муаммо билан жиддий шуғулланишга отлантирди.

— Эшитдингизми, чегарада электр токи уриб ўлдирилган илон битта эмас экан. Унинг шериги сим тўсиқдан ўтиб, қишлоқларга қараб кетганмиш.

— Илонлар қасоскор бўлади...

Илонлар ҳақида биз нималарни биламиз ўзи? Жуда оз нарсани. Билганларимиз ҳам қуруқ миш-мишлар ва китобларда келтирилган ғариб маълумотлардан нарига ўтмайди.

### МЕН АЖДАРНИ КЎРГАНМАН

Икки-уч киши юқорида тилга олинган илоннинг рангли тасвирини томоша қилиб ўтиргандик, Муборак газни қайта ишлаш заводи ускуналаш базасининг бошлиғи бўлиб ишлаётган Қурбон Давронов расмни қўлига олиб қараб турди-да:

— Шундай катта илонни мен ўз кўзим билан кўрганман, — деди.

Ҳаммамиз унинг оғзига тикилиб қолдик.

— Бу воқеа 1975 йилда бўлган. У пайтлари «Ўзнефтгазгеология» пармалаш экспедициясида ҳайдовчилик қилардим. Яп-янги «УАЗ» ҳайдайман. Хўжамуборак қишлоғига яқин жойда бир қанча пармалаш ҳудудларидан сув фаввородай отилиб чиққан бўлиб, «Муборак» совхози кўп йиллар мобайнида бу жойни ем-хашак етиштирадиган хўжаликка айлантириб олган эди. Сув кўп бўлгани сабабли атрофда ўт-ўлан мўл, чакалакзорлар пайдо бўла бошлаганди.

Пешин пайти машинамни ҳайдаб, чакалак оралаб боряпман. Бир пайт йўлда кўндаланг ётган симёғочга кўзим тушди. Қайси бефаросат йўлни боғлаб қўйди экан деб аччиқланиб машинани тўхтатдим. Хаёл қилдимки, тушиб симёғочни бир амаллаб йўлдан олиб ташласам. Не кўз билан кўрайки, «симёғоч» судралиб, чакалакзорга кириб, кўздан йўқолди. Мен кўп вақтдан бери тилга тушган аждарга дуч келганимни англадим, бир амаллаб машинамни юргизиб, манзилимга етиб олдим.

Қурбон аканинг ҳикоясини тинглаб, бир йилча бурун Ғани бобо деган қариянинг илонлар ҳақидаги суҳбати эсимга тушди. Ўша пайти суҳбатни ёзиб олмаганимдан афсусланиб, отахонни излаб йўлга тушдим.

Ғани бобо Бафоев 79 ёшда, Косон шаҳри Нартибаланд маҳалласида яшайди.

Салом-аликдан сўнг отахонга ўша суҳбатни эслатдим. Яна илонлар ҳақида гап очилди.

— Мен бунақа илонни яқиндан кўрганман... 1949 йилдан бери ҳайдовчилик қиламан. Хрушчёв номли (кейинчалик «Косон» деб ўзгартирилган) хўжаликда «ГАЗ-53» машинасини ҳайдар эдим. Хўжалигимизнинг чорваси Шўртепа деган жойда боқиларди. 1964 йили баҳор пайти яйловдан хабар келдики, жала туфайли Фармонов деган чўпоннинг отари бўлиниб, бир қисми Бухоро тарафга кетиб қолганмиш. Дарҳол икки-уч гуруҳ тузилиб, қидиришга чиқилди. Хўжаликнинг омбор мудири Мўмин Равшанов машинанинг кабинасида, кузовда моли йўқолган чўпоннинг ўғли Шодмон деган ёш йигит билан қўйларни қидириб йўлга тушдик. Қуёш қоқ тепага келганда йўлнинг чап тарафида, икки-уч юз метрча нарида бир нарса ялтираб кўринди. Қараб-қараб қўйдим, кўзимга кўринмаяптимикан деб ўйладим. Синаш учун Мўмин акага юзландим:

— Сиз ҳам кўраяпсизми?

— Нимани?

— Чап томонга қаранг.

— Ие, Ғани, ялтираётган нарса нима?

— Билмадим.

— Бўлмаса, мошинни бур, бир кўриб кетайлик.

Машинани буриб, ялтираётган нарсага қараб ҳайдадим. Тез келган эканмиз, унинг нима эканлигини кўргандан сўнг эсим оғиб, тормоз беришга улгурмай қолдим. Одамнинг белидан йўғонроқ илон дам олиб ётган экан. Қоқ белидан босиб ўтган машина бир кўтарилиб тушди. Ўн қадамча олдинда пармаловчилардан қолган улкан хандакка кўзим тушди. Орқада илон.

— Охири илонга ем бўладиган бўлдик, Ғани, — деди мендан ҳам баттар қўрққан Мўмин ака.

Беихтиёр орқа тезликни қўшиб, газ педалини босдим. Яна илонни босиб ўтдик. У ердан одам баравар кўтарилиб, думи билан ерни ура бошлади. Оғзидан чиқаётган вашиллаш машина моторининг гуvуллашини босиб эшитилиб турарди. Энди анча дадиллашиб қолгандим. Ҳазиллашгим келди:

— Мўмин ака, яна бир босиб ўтиб, ўлдириб қўя қолсамми?

— Сен девона бўлгансан! Ҳайда, тезроқ бу ердан кетайлик. Шериги хабар топса, учовимизниям емай қўймайди.

Шундай қилиб, хўжаликка қайтиб келдик. Хайрият, қўйлар топилган, энди бизларни қидиришга одам юбормоқчи бўлиб туришган экан. Илон ҳақидаги гапимизга биров ишонса, биров ишонмади.

Бир ҳафтадан сўнг чўпонлар гап топиб келишди — Шўртепа ёнида баҳайбат бир илоннинг ўлиги топилибди.

### АЖДАР ТЕРИСИДАН КАМАР КЕСИБ ОЛГАН

Жўра Абдуллаев ҳозир нафақада. Умр бўйи собиқ «Муборак» хўжалигида ҳайдовчи бўлиб ишлаган.

— Муборакдан 20-25 километрча ғарб тарафда Қақир деган жой бор, — деб ҳикоясини бошлайди Жўра ака. — «Муборак» хўжалигининг чорвасига хашакни шу томонлардан олиб келардик. 1968 йил октябр ойининг ўн бешларида Қақирдан Янгиқудуқ деган қишлов жойига машинамда 300 даста янтоқ олиб кетаётгандим. Кабинада Ҳайитмурод Войисов деган совхоз ишчисиям бор. Бир пайт ялангликда кулча бўлиб ётган баҳайбат илонга кўзим тушди. Ҳаво совуб қолганлиги учун офтобда исиниб ётарди. Доим ўзим билан милтиқ олиб юрардим. Машинадан тушмасдан бошини мўлжаллаб тепкини босдим. Боши мажақланган бўлишига қарамасдан илон ердан кўтарилиб, вишиллаб, думи билан ерни ура бошлади.

— Ўқ оладиганга ўхшамайди, — деди Ҳайитмурод бобо.

— Ўқ олмаса машина олади, — дедим. Юки билан тўрт-беш тонна келадиган «ЗИЛ»ни илоннинг устига ҳайдадим. Белидан бостириб, тормоз бердим. Илон машинани кўтариб-кўтариб ота бошлади. Бироздан сўнг ҳаракатлари сусайди, кейин оғзидан қон келиб, сулайиб қолди. Яна бироз кутдик, сўнг машинани бир четга олиб, илонни томоша қилдик. Ана шундан кейин мени ваҳима босди. Шу пайт хашак ортилган бошқа машиналар ҳам етиб келди.

— Бекор қилибсан, шериги энди сени омон қўймайди, — дейишди баъзилар.

— Агар терисидан шилиб, камар қилиб боғлаб олсанг сенга илон зоти яқинлашмайди, — далда берди Ҳайитмурод бобо. — Мана пичоқ, тез бўл.

— Шундай ҳам тушларимга кириб чиқади энди. Истасангиз ўзингиз шилиб олаверинг.

— Сен рози бўлсанг, майли.

Ҳайитмурод бобо кўп йиллар аждар терисидан қилинган камарини кўз-кўз қилиб юрди.

### ФЕРМАҚАЛЪА АЖДАРЛАРИ

Навбатдаги суҳбатдошим Панжи Бобоқулов бўлди. У эндигина 50 ёшга кирган. Кўп йиллар «Муборак» хўжалигида қўй боққан. Ёшлиги саҳро қўйнида ўтган. Шундай одамнинг бирдан касбини ўзгартирганлиги сирини ҳалигача кўп одам билмайди.

«Панжи бир катта илонни кўриб, икки ой тилдан қолиб ётган. Энди-энди ўзига келиб олди» деган мишмишларни эшитиб, у билан суҳбатлашишни ният қилдик.

— Ҳа, баҳайбат илонни кўрганим рост, — мийиғида кулиб гап бошлади Панжи Бобоқулов. — Бунга кўп йиллар бўлди. Акам Нуриддин билан Занжирсарой томонларда хўжаликнинг қўйини боқиб юрардик. Бир кечаси ой ёруғида қўйлар нимадандир ҳуркиб, дув этиб бир ерга тўпланди. Эшакларимиз ипини узгудек бўлиб безовталанди. Бир пайт биз турган жойдан 25-30 қадамча наридан судралиб келаётган илонга кўзим тушди. Уни акам ҳам кўрди. Илон на қўйларга, на эшакларга ва на бизга бурилиб ҳам қарамасдан ўтиб кетди. Шу кечаси кўз юммай тонг оттирдик. Қўшхонамиз ёнидаги илон изини кўриб шайтонлаб қолай деганим рост. Бу изни тасаввур қилиш учун бир халта юк ё бир қўйнинг ўлигини тупроқда судраб борилганда қоладиган изни кўз олдингизга келтиринг.

Қарияларнинг айтишича, биз илонларнинг Фермақалъадан Занжирсаройга борадиган азалий йўли яқинига қўш тиккан эканмиз.

— Фермақалъа деган жой ҳақида эшитганмисиз? — деб сўради Панжи.

— Йўқ, биринчи марта сиздан эшитдим.

— Бу жой қадимдан маълум. Помуққа яқин ерда. У ерда ҳақиқий аждарлар яшармиш. Ўз кўзим билан кўрмасам бу бир эртак деб юраверар эдим...

* * *

Қўлимда бир илоннинг икки кўринишда олинган сурати. Унинг қаерда, қачон, ким томонидан тасвирга туширилганлиги ҳам сир бўлиб қолмоқда. Балки бу ваҳимага ўч одамлар орасида компютерда ишланган суратларни пуллаб қолмоқчи бўлган айрим «тадбиркор»ларнинг ишидир...

Юсуф СИДДИҚОВ

Ўзимга холи, тинч турар-жой топиш ҳақидаги орзум ниҳоят амалга ошадиган бўлди. Кутилмаганда ишдан қайтиш олдидан ҳамкурсим Шавкат қўнғироқ қилиб қолди:

— Бир эрийсан энди, оғайни. Худди кўнглингдагидай жой топдим. Марказдан ҳам узоқ эмас. Бир хонали квартира, керакли асбоб-анжомлари, муҳими, телефони бор. Ундан кейин, нархини айтмайсанми, нархини! Бунақа ижара ҳақи ҳали бу орада бўлган эмас.

Мен ҳовлиқиб қолдим:

— Тезроқ обор, жўра!..

Дўстим алдамаган экан. Уй кўм-кўк дарахтларга кўмилган, салқин мавзеда жойлашган эди. Зиналардан қомати квадрат шаклда десам муболаға бўлмас, бўйи билан эни баравар аёл ҳарсиллаб чиқиб келди.

— Куттириб қўйдимми, болаларим? Шу зиналарни ёмон кўраман-да! Шунинг учун домда яшай олмайман! Менга ер тузук. Лекин ўзим яшай олмасам ҳам савоб бўлсин деб квартира қўяман-да! — аёл гапдан тўхтамай эшикни очди, бизни уйга олиб кирди. — Мана шу уй, ёмон эмас-а?

Уй чиндан ҳам дуруст эди. Топ-тоза, шинам. Дераза ойналари куни кеча артилгандай ялтираб турар, крахмаллаб илинган дарпардаларнинг оҳори кетмаганди.

— Хола, квартира қўяман деб роса уринибсиз-а? Келган одам ўзи тозаларди-да, — деди дўстим хижолат бўлган каби.

— Э, болам, тўримдан гўрим яқин, ёлғон гапириб нима қилдим! Олдин бу ерда бир қиз турган. Жуда одобли, ораста эди. Шу боламга ўхшаб илмий иш қилармидией. Бояқиш бу ерни худди ўз уйидай тутди, ўзимникимас, барибир кетаман демади. — Аёл хона ўртасида турганча уёқ-буёққа аланглади. Бирдан кўзи бурчакдаги жавон устида турган бир нечта китоб-журналга тушди. Бориб жавондан уларни олди-да, даҳлиздаги кийим илгич тепасига қўйди. — Ўғлим, булар ҳозирча шу ерда тура турсин. Айтаман, олиб кетишади.

Шундай қилиб, мен шу ерни макон тутдим. Эртаси куни дўстим билан эски квартирамдан кўчларимни олиб келдим — кўчдим. Кайфиятим чоғ, димоғимда куй хиргойи қилганча олиб келган нарсаларимни жойлаштира бошладим. Кўчларим нима ҳам бўларди — бор бойлигим китобларим ҳамда кўчалик ва уйда киядиган бир неча кийим-бош. Мен кишилик костюм-шимимни олиб ҳафсала билан илгичга илдим. Уёқ-буёғини тозалайман деб чўткалай бошлаган эдим, бирдан тап этиб тепадан бир нарса ерга тушди. Ҳа, уй бекаси қўйган китоб-журналлар-ку. Улар билан қоғозлар ерга сочилиб кетди. Эгилганча уларни йиғиштиришга тутиндим. Бир маҳал қоғозлар орасидан бир сурат учиб тушди. Беихтиёр қўлимга олиб қарадим. Ҳаваскор сураткаш ишлаган бўлса керак, унча тиниқ эмасди. Оқ-қора тасвирдаги суратда бир қиз дарахт шохидан тутганча кулиб турарди. У фавқулодда гўзал бўлмаса-да, кишини нимаси биландир ўзига тортиб турар, кўзларида қандайдир жозиба бор эди. Мен суратни қўйиб, ерга сочилган қоғозларни тера бошладим. Уларни бир чеккадан териб оларканман, бирдан эътиборимни қоғоздаги сўзлар тортди. Ёзилган, яна ўчирилган зич ёзувлар тўла қоғоз бировга аталган мактуб шекилли, шундай сўзлар билан бошланарди:

Маъсума АҲМЕДОВА



Ҳикоя

# Жўнатилмаган мактуб

«Азизим!

Мен ҳозир ҳаёт ҳақида, ўлим ҳақида қайғули фикрларга кўмилиб ўтирибман. Бу дунёнинг ўткинчилиги-ю у дунёнинг боқийлиги ҳақидаги ўйлар яна вужудимни чулғаб олди. Ёдимга ўша гўзал кунлар, тотли дақиқалар тушди. Мен ана шу бахтиёр кунларни яшадим. Бунинг учун тангрига шукур қиламан. Шу дамларни менга ҳадя этганингиз учун сизга ташаккур айтаман.

Гарчи биз бахтиёр эсак-да, кўпда фикрларимиз тўғри келмади. Кўпда бир-биримизни тушунолмай қолдик. Машойихлардан бири киши бир-бирини тушуниши ҳам бахт деган экан. Биз охири ана шу бахтдан маҳрум бўлдик, бир-биримизни тушунмай қолдик. Азизим, мен сизга бирор эътироз ё иддао қилмоқчи эмасман. Бу ҳаётда юрагим буюрганидай ҳалол, покиза яшашга интилдим. Мен бу билан сизга таъна қилмоқчи ҳам эмасман. Сиз бу дунёга келдингми, яшаб қол, ҳаётнинг барча лаззатлари инсонга ёт эмас дер эдингиз. Бот-бот шундай дер эдингиз. Бу шиор сизга хос...».

Мактубнинг шу жойи ўчирилган бўлиб, ёзувларга тушуниб бўлмасди. Кейин мактуб яна давом этарди:

«Бу дунёда бари ўткинчи, шодлик ҳам, қайғу ҳам. Бас, кетар вақти бўлди. Азизим, мен кетмоқчиман... Бир интилсанг, тамом. Эслайсизми, бир марта сиз билан тортишиб қолгандик. Сизнингча, ўз жонига қасд қилган кишилар ҳаётни севмайдилар. Яшаш жонларига тегади. Ахир итнинг кейинги оёғи бўлиб яшаш кимга керак? Бундай яшагандан кўра ўлган афзал. Ҳа, сиз ўшанда айнан шундай дедингиз. Эҳтимол, бу сўзларни шунчаки айтгандирсиз? Шунчаки айтилган сўзлар ҳам киши қалбидан чиқади. Майли, бу гапларнинг ҳожати йўқ. Ҳозир бу гаплар ўз аҳамиятини йўқотди. Айтмоқчи бўлганим, ўша шунчаки айтган сўзларингизга жавобим. Энди мен сизга ўзимнинг фикримни айтаман: ўз жонига қасд қилган кишилар ҳаётни ёмон кўрмайдилар. Улар ҳаётни бошқалардан кўра балки юз маротаба ортиқроқ севадилар («...юз маротаба ортиқроқ севадилар» сўзлари остига чизиб қўйилган эди). Уларнинг бу ҳаракатлари ёш боланинг қилиғига ўхшайди. Ана, эртага улар (одамлар) аттанг қилиб қоладилар. Нега унинг қадрига етмадик деб бармоқ тишлаб қоладилар. Уларнинг бу ҳаракатлари пойабзал дўконига кириб, китоб сўраган кишининг тентакона ҳолатини эслатади. Лекин барибир бу ишга жазм қилиш мардликни талаб этади. Аслида бу унчалик ҳам қийин эмас.

*Ҳақнинг ҳузурида*
*ўлик жонзот йўқ...*

Анна Ахматованинг шундай сатри бор. Зотан, шундай экан, Ҳақ ҳузурида бари бандалар тенг экан, бу унчалик ҳам қийин эмас...».

Мактуб шу ерга келганда тўхтаб қолганди. Мен ҳовлиқиб қоғозлар орасини ахтардим. Хатнинг давоми учрамади. Бошқа қоғозлар аллақандай илмий мақолалардан, маърузалардан парчалар шекилли, мазмуни бир-бирига боғланмасди. Ҳафсалам пир бўлиб, тиззаларимни қучоқладим. Беихтиёр уй бекасининг ҳолати, гаплари эсимга тушди: «Айтаман, олиб кетишади...». Нега «олиб кетишади» деди? Ахир қиз ҳам «кетар вақти бўлди» деб ёзибди-ку. Наҳотки? .

Юрагимда тушунарсиз, ғалати ҳислар ғалаён қилди. Шошиб яна суратга қарадим. Шундай қиз... Наҳотки? Мен ўзим танимаган, умримда кўрмаган қиз тақдирига куя бошладим. Ирғиб туриб деразадан пастга тикилдим. Бешинчи қават. Дарахт шохлари бешинчи қаватгача тарвақайлаб ўсган. Бироз хотиржам тортдим. Агар ўзини деразадан ташлаган тақдирда ҳам дарахт шохларига илиниб қолган бўларди. Лекин ўз жонига қасд қилишнинг бошқа усуллари ҳам йўқ эмас-ку. Яна юрагим тинчимади. Шоша-пиша телефонга ёпишдим. Бекадан суриштириб билай десам, телефон рақамини ҳам билмайман. Шавкатга қўнғироқ қилай-чи. Телефон гўшагидан «...хизмат доирасидан ташқарида...» деган манқи овоз эшитилди. Бу Шавкат деганлари қаерларда юрибди? Ичимда уни койидим. Бирдан кўнглим ёришди. Тўхта, ахир беканинг уйини биламан-ку. Ижара ҳақини уйимга элтиб берасиз деб адресини айтганди. Бу ердан унча узоқ эмас. Ўрнимдан ирғиб турдим...

Беканинг уйига борганимда кун чошгоҳдан ошганди. Кўча жимжит. Дарвоза бурчидаги тугмани устма-уст босдим. Ҳеч ким садо бермади. Беихтиёр дарвоза ёнига чўккаладим. «Келдимми, кутаман, ҳеч қаёққа кетмайман». Шундай аҳд билан бекани кута бошладим. Қиз тақдирига қизиқиш хаёлимни олган эди. Кун қизиди. Энди кўчага тарвақайлаб ўсиб, соя солган тутнинг тагига ўтириб кута бошладим. Ўткинчилар менга ажабланиб қарашарди. Бир маҳал рўпарадаги уй дарвозаси очилди, бир аёл бошини чиқариб, деди:

— Болам, Қумри опани кутаяпсизми? У қизиникига кетган, кеч келади. Беҳуда кутманг, бораверинг. Айтиб қўяман.

Ичимда ўзимдан-ўзим уялдим. «Тентак дегандир. Бека келганида ҳам нима деб сўрардинг? Ақли жойидами бу боланинг демасдими?».

Ўзимнинг ҳолатим ўзимга нашъа қилди, тарвузим қўлтиғимдан тушиб, ортимга қайтдим. Уйга келдим. Шаштим тушиб, қоғозларни яна бир бошдан қарай бошладим. Бир пайт бир парча қоғозча қўлимга илашди. Аста очдим.

«...яшаш санъатдир. Бу санъатни эгаллай олмаганлар бу дунёда яшадим демасинлар. Ҳаётнинг турфа синовлари, барча қийинчиликларидан эгилмай яшаш санъати... Сиз, дарвоқе, буларни қаердан ҳам билардингиз? Шу дамдан эътиборан сиз билан айрилдик. Ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини қадрлаб яшаш санъатини англаб етиш учун ҳам яшаш керак».

Наҳотки, боя кўзим тушмаган бўлса? Беихтиёр хотиржам тортдим...

Телефон устма-уст жиринглади. Хурсандман, бориб гўшакни кўтардим.

— Болам, уйга келган экансиз, тинчликми? — деди уй бекаси.

Нима дейишни билмай, каловланиб қолдим.

— Нима ишингиз бор эди?

Ўзимни қўлга олдим:

— Анув қизнинг нарсаларига кўзим тушувди, ўшанга...

— Э, болам, нимасини айтасиз! — беканинг тап оҳангидан юрагим орқасига тортди. — Жуда ақлли қиз эди. Оғир касал экан-у билдирмай юрган экан-да...

— Нима? У ўлганми? Ўзини-ўзи ўлдирганми? — ҳовлиқиб, дилимдаги гап тилимга чиқиб кетди.

— Нима деяпсиз, болам? Нега ўзини ўлдираркан? Касал бўлди, оллонинг иродаси...

Бека тинмай сўзлай кетди. Қўлимда қизнинг эгасига етмаган мактуби, беҳол турардим. Қулоғим остида мен умримда ҳеч кўрмаган, лекин бирдан кўнглимга яқин бўлиб қолган қиз шеър мисраларини такрорларди:

*Ҳақнинг ҳузурида*
*ўлик жонзот йўқ...*




*Ҳамкасб ҳақида*

# Мураббий



Умр оқар дарё, дейишади. Унинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиш, одамларга кўпроқ наф келтириш Акрам Узоқовнинг қалб шиорига айланган.

Бу инсон камтарин, камсуқум, ҳеч маҳал ютуқларидан ҳаволаниб кетмаган. Кенг феъллиги, одамохунлиги билан шогирдлар қалбидан жой эгаллаган.

— Ёшлар мисоли кўкка бўй чўзган бир дарахт. Улар парваришга, кўмакка ҳамиша эҳтиёж сезади. Шунинг учун уларнинг кўнглига йўл топа билиш керак, — дейди касаба уюшмалари Самарқанд вилоят кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти мураббийси Акрам Узоқов. — Ҳозир тўгарагимизда 60 нафардан кўпроқ ёшлар бокс сирларини ўрганишмоқда.

Устоз-мураббий шогирдлари орасида жаҳон, Осиё чемпионлари, республика биринчилигида иштирок этаётганлар кўп. Заҳматли меҳнати бонс ҳар йили ўнлаб ёшлар спорт усталигига номзод бўлмоқда. Ўтган йили беш нафар шогирди мамлакат чемпиони деган шарафли номга лойиқ топилди.

**Н.ШАМСИЕВ**

*Мададталаб мактуб*

# Саховатпешалар, бормисиз?

Фарзандим Фахриддин Баҳриев 25 йилга яқин ёш авлодни сиҳат-саломат вояга етказиш соҳасида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилди. Кураш бўйича ўнлаб иқтидорли шогирдлар тайёрлади. Ўзи ҳам бир неча марта республика чемпиони бўлди. Спорт устаси.

Ўғлим кейинги вақтларда Тайлоқ олимпия захиралари коллежида мураббийлик қилаётган эди. Афсуски, тўсатдан саломатлигига путур етиб, тўшакка михланиб қолди. Энди у на юра олади, на тура олади. Ҳеч кимнинг бошига бундай мусибат тушмасин экан...

Мақсадим: бирор-бир саховатпеша инсон ёки ташкилот топилса-ю, Фахриддинни даволаш ишларига баҳоли қудрат маблағ ажратса, шоядки нуридийдам яна оёққа туриб кетса...

**Муҳаммади БАҲРИЕВ,**
**Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани Янгитайлоқ маҳалласи, 33-уй**

*Кузатув*

# 67 йил ўтгач...

**Мен 6 ёшарлигимда, 1941 йили отамнинг урушга кетганини марҳум онам ва опамдан эшитган эдим. Ўша йили Қарши туманига (кейин шаҳарга қўшилди) қарашли Охунбобоев номли 7 йиллик мактабнинг 1-синфида ўқир эдим.**

**Озгина эсимда бор, отам орқаларида халта осиғлиқ, мени синфдан чақириб, пешонамдан ўпди. Танаффусда Ҳаловат, Саломат, Ҳидоят опамлар билан хайрлашди. Отам кетди, опамлар эса йиғлаб қолишди.**

Онамнинг айтишича, отамдан битта хат келган экан. Уйимизнинг ҳамма хоналари ипак қурти билан банд эди (онам колхознинг пилла бўйича звено бошлиғи бўлган). Шунинг учун ўша хатни йўқотиб қўйган.

Йиллар ўтди. Опамлар, синглим Музайян, укам Икромлар улғайдик. Ўқиб олий маълумотли бўлдик, ўқитувчилик қилдик. Ҳарбий хизматни ҳам ўтаб уйландик, бола-чақали бўлдик.

Шундан сўнг отамизни излади, аммо «отангиз бедарак йўқолган» деган гапни эшитдик, холос.

«Хотира китоби»нинг асосий ва қўшимча жилдларини бирма-бир варақлаб, отам ва тоғамнинг фамилиясини топа олмадик.

2007 йил куз ойларида «Хотира китоби»га тушмаган ва бедарак йўқолганларни китобнинг қўшимча 4-жилдига киритиш бўйича «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлимидан топшириқ бўлган экан. Шунга асосан рўйхат тузишга киришилди.

Кўп ўтмай марказдагиларнинг жонкуярлиги натижасида 2008 йил май ойида китоб чоп этилди. 73 ёшимда, 67 йилдан сўнг, мен отам Тўлаев Шукур ва тоғам Эшонқулов Шарифнинг қаерда ҳалок бўлганлиги ва дафн этилганлигини билдим. Москва яқинида экан.

Ҳам қувондим, ҳам ўксиндим. Мен 1958 йил сентябрдан 1960 йил августгача Москва вилоятида ҳарбий хизматда бўлдим, вилоят касаба уюшмасида котиб бўлиб ишлаган йилларим ҳам иш юзасидан кўп марта Москва шаҳрида бўлганман. Афсус, олдинроқ топганимда отамнинг қабрини зиёрат қилган бўлардим.

Қувонганимнинг сабаби шуки, отам қила олмаган ишларни унинг ҳозир ҳаёт бўлган 5 та фарзанди, 33 набираси, 98 чевараси, 27 эвараси амалга оширади.

Мен Шукуровлар оиласи номидан отам ва тоғамни топишда ёрдам берган барча яхши инсонларга миннатдорчилик билдираман.

**Акрам ШУКУРОВ,**
**Қашқадарё вилоят «Нуроний» жамғармаси Қарши шаҳар бўлинмаси кенгаши аъзоси**

*Дунёнинг ишлари*

***Бир сафар Тошкентга келишда Хоразм автобусига чиқдим. Олис йўлни «қисқартириш» учун ёнимдаги ўриндиқда ўтирган йигитчани гапга солдим:***

***— Ишлайсизми, ўқийсизми?***

***— Ишлаяпман. Ўқиш деганлари бизга насиб этмаган экан.***

***— Нимага ундай деяпсиз? Ҳали ҳам кеч эмас.***

***— Биз ночор яшаймиз. Ўқишга имконият қаёқда дейсиз. Бир йилдан буён пойтахтдаман. Йиққан-терганларимни уйга ташлаб, бетоб отам ва укамдан хабар олиб қайтаяпман.***

***Орага оғир сукунат чўкди. Сўнг йигитча ўзига-ўзи сўзлагандек ҳикоясини бошлади.***

# Уйланишим керак. Бироқ...

— Онам вафот этгач, отам шўрлик касал бўлиб қолди. Тез-тез қон босими кўтарилиб кетади. Шифохонада даволатдик. Ҳозир ёнида укам қараб ўтирибди. Шоли экавериб, сув кечавериб, оёқларини совуққа олдирганлар. Ҳатто ўнг қўлининг бармоқлари қотиб қолган. Қошиқ ва пиёлани ҳам чап қўлларида зўрға тутадилар.

Ота-онам ўн икки йил деганда фарзанд кўришган. Худойимдан тилаб-тилаб олган болам, дея менга Тиловберди исмини қўйишган.

Орадан беш йил ўтгандан сўнг укам дунёга келган.

Онам бечора бизнинг бахтимизни ҳам, тўйларимизни ҳам кўролмай оламдан кўз юмди. Касал бўлса-да, ҳеч кимга билдирмасди. Ахийри ётиб қолганларидан сўнггина отам уларни мажбурлаб шифохонага олиб бордилар.

Афсуски, энди кеч экан. Шифокорлар онамни сақлаб қололмадилар.

Ҳозир отамнинг ош-овқатини укам қилиб беради. Озроқ ерга шоли экамиз.

Уйимизга битта келин керак, албатта. Аммо тўй учун маблағ йўқ. Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги қалин пулини сўраб чиқдим. Ҳеч қаерники Хоразмникидек эмас экан. Бизда қизларга 800 минг сўм қалин пули, яна қанчадан-қанча сарпо-суруқ ва мен билмаган бир нималар бериш лозим. Бўлмаса уйлана олмайсиз. Икки томон келишса бўлади, дейишгани билан ҳозиргилар ободон куёв томонни суриштирадиган бўлиб қолишган. Шунга қараб қизларини беришади. Барибир қалин пули ўзгармайди.

Энди қачон шунча пулни йиғаману, қачон уйланаман. Ҳозир 27 ёшдаман. Укам ҳам уйланадиган ёшда.

Отам бечора бир куни қалин улфатиникига бориб, қизини мен учун сўрабди. Дўсти хотини билан маслаҳат қиладиган бўлишибди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач:

— «Қизи борнинг нози бор» дейдилар, жўра, —дебди дўсти кулимсираб. — Мен-ку рози бўлишим мумкин. Аммо хотинларнинг орзу-ҳаваси кўп бўларкан.

Шундан сўнг ҳеч қаерга бормади отам шўрлик.

Кўзим очиқлигида икковингнинг бошингни иккита қилганимда армоним қолмасди. Кейин тинчгина онангнинг ёнига кетсам ҳам бўларди, — дейди кўзига ёш олиб.

Яқинда пойтахтда ишлаб юрганимда бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланадиган сирдарёлик қиз билан танишиб қолдим. Унинг ҳам дарди меникига ўхшаш. Отаси йўқ экан. Уйда укалари ёш. Онаси эса касал. Аммо отам унга уйланишимга унамаяпти. Ким билади, узоқ йўл харажатидан қўрқяпти, шекилли.

Тошкентга ҳам етиб келдик. У йигит «Отчопар» бозорида қолди. Мен эса йўлимда давом этдим.

**Хонбиби МАҲАМОВА**

*Турмуш чорраҳаларида*

# Куёв ёвга айланди

**Халқимиз куёвга иззат кўрсатиб, хурматини жойига қўйишади. Куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган дейишади. Аммо баъзан «Куёв барибир ёв» деган гап ҳам қулоққа чалиниб қолади. Ким билади дейсиз, бу гапни куёвдан омади чопмаган бирор киши айтгандир. Мирзачўлнинг чекка бир қишлоғида рўй берган можаро ҳам қизиққон, сиркаси сув кўтармайдиган куёв сабабчи бўлди.**

Ботир Ҳайдаров узоқ вақтдан буён турмуш ўртоғи билан тез-тез жанжаллашиб қоларди. «Эр-хотин уруши — дока рўмол қуриши» деган нақл бор. Аммо навбатдаги низодан сўнг дока рўмол қуримади. Хотини Ботирдан қаттиқ аразлаб, фарзандини етаклаб онасиникига кетиб қолди. Йигит катта ҳовлида ёлғиз қолди. Уйига кирди, чиқди. Хуллас, жуда зерикди. Сўнг вақтни ўтказиш учун қишлоқдаги дўконга йўл олди. Оч қоринга спиртли ичимлик истеъмол қилиб, анча сархуш бўлди. Ширакайф ҳолда кўча кезиб, кунни кеч қилди-ю хотинининг онасиникига кетиб қолганлиги ёдига тушиб, қўллари мушт бўлиб тугилди. Турмуш ўртоғи билан орани очиқ қилиб олиш учун қайнонасининг уйига йўл олди. Аммо қайнонаси уйда йўқ, меҳмондорчиликка кетган экан. Қайнонасининг синглиси Ойша опа уни совуқ қарши олди. У куёвнинг анчадан буён жиянига озор бериб келаётганидан яхши хабардор эди.

Ойша хола куёвига аччиқ гаплар айтиб, дашном берди. Бу танбеҳлар Ботирга ёқмади, Ойша опани ҳақорат қилди. Ичкарига киришига тўсқинлик қилганди, жаҳл билан унга мушт туширди.

Зарбадан аёл ерга гурсиллаб йиқилди. Шунда ҳам жаҳлдан тушмаган куёв уни уриб, тепди.

Аёл шифохонада узоқ вақт даволанишга мажбур бўлди. Албатта, куёвнинг муштумзўрлиги ўзига қимматга тушди. Даволаниш учун кетган сарф-харажатларни қоплашга мажбур бўлди. Куёв барибир куёв экан. Ойша опа бағрикенглик қилди, уни кечирди. Бўлмаса у жазога тортилиши муқаррар эди.

**А.НОРҚУЛОВ**

## «МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №____

Фамилиянгиз____
Исмингиз____
Отангизнинг исми____
Туғилган йилингиз____
Манзилингиз____

Иш(ўқиш) жойингиз____

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?____



## Оғир атлетика



Владимир Аванесовни оғир атлетика бўйича мураббийлар устози сифатида тилга олишади.

Ҳаёти давомида юзлаб спорт усталарини тайёрлаган бу мутахассис 1956 йилдан то умрининг охиригача (2007) Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ёшларга билим ва тажрибаларини улашди.

Шогирдлари орасида Олимпиада совриндорлари ва жаҳон рекордчиларининг борлиги ҳам Аванесовнинг бебаҳо мураббий эканлигидан далолат беради.

# Устоз руҳини шод этиб

Масалан, Эркин ака Каримов, оғир атлетика бўйича собиқ Иттифоқ чемпиони, Халқлар спартакиадаси ғолиби, 60 кг вазн тоифасида, силтаб кўтаришда 155 кг ва 156 кг натижа кўрсатиб, икки марта жаҳон рекордини ўрнатган, Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажарган.

Маҳоратли спортчиларимиз Наил Муҳамедёров «Сеул-1988» Олимпиадаси кумуш медал совриндори (устози Александр Ким), жаҳон чемпиони, «Барселона-1992» Олимпиадаси кумуш медал совриндори Сергей Сирцов (устози Данил Ким) ўзбек оғир атлетикаси довруғини дунёга ёйишган ва уларнинг устозлари айнан Аванесов мактабидан чиққан мутахассислардир.

Яқинда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида Владимир Сергеевич хотирасига бағишланган биринчи халқаро турнир ғолиблари аниқланди. Институт ва Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси ташкилотчилигида ўтган турнирда республикамизнинг Навоий вилоятидан ташқари барча ҳудудларидан ҳамда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридан 142 нафар спортчи саккизта вазн тоифасида маҳоратларини синаб кўришди.

Уч кун давом этган баҳслар якунида қуйидаги спортчилар шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишди:

56 кг. Ф.Ҳусанов (ЎзДЖТИ); 62 кг. М.Бегалиев (Республика Олимпия захиралари коллежи); 69 кг. С.Музаффаров (ЎзДЖТИ); 77 кг. А.Аҳмаджонов (ЎзДЖТИ); 85 кг. Э.Ёқубжонов (ЎзДЖТИ); 94 кг. Ғ.Аҳмедов (Андижон ОЗК); 105 кг. Ш.Алихонов (Андижон); +105 кг. О.Очилдиев (Фарғона).

Кўриниб турибдики, мусобақа мезбонлари - Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти жамоаси спортчилари ҳисобига тўртта олтин медали тўғри келмоқда. Бундан ташқари, икки кумуш ва бир бронза медали қўлга киритилди.

Шунингдек, мусобақа доирасида 1992 йил туғилганлар ва ундан кичиклар ўртасида «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти биринчилиги ҳамда фахрийлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ҳам ташкил этилди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Тошкент, Андижон ва Хоразм вилоятлари спортчилари яхши тайёргарликлари билан бошқалардан ажралиб туришди.

Ёш оғир атлетикачиларимиз маҳоратли спортчиларнинг иштирокини бевосита кузатиб, ўз тажрибаларини оширишга муваффақ бўлган бўлса, фахрийлар сентябр ойида Грецияда ўтадиган жаҳон чемпионатига борадиган кучлиларни саралаб олишди.

## Футбол

# Голландия, Португалия, Испания...

### чемпионлик кимга насиб этади?

Австрия ва Швейцария стадионларида ўтаётган футбол бўйича 13-Европа чемпионатида гуруҳ баҳслари ниҳоясига етди.

Иккинчи ва учинчи тур натижалари билан танишинг.

«А» гуруҳи: Чехия - Португалия -1:3, Швейцария - Туркия -1:2. Швейцария - Португалия - 2:0, Туркия - Чехия - 3:2.

Гуруҳдан Португалия ва Туркия терма жамоалари чорак финалга чиқишди. Ян Коллер сардорлигидаги Чехия термаси эса сўнгги турда турк йигитлари шиддати олдида ожиз қолишди. Қардошларимиз 75 -дақиқагача 0:2 ҳисобида мағлуб бўлишаётганди. Айнан шу дақиқада Арда Турон, 85 ва 87-дақиқаларда Нихат Кахвечи Петр Чех дарвозасини ажойиб тарзда ишғол эта билди.

«В» гуруҳи: Хорватия - Германия -2:1, Австрия - Полша - 1:1. Австрия - Германия -0:1, Полша - Хорватия - 0:1.

Хорватияликлар гуруҳда ҳар учала учрашувни ғалаба билан якунлаб, мазмунли ўйинлари билан ишқибозлар кўнглидан жой олишмоқда. Бироқ тажрибали немисларни чемпионликка даъвогарлар сафида таъкидлаш мумкин.

«С» гуруҳи: Италия - Руминия -1:1, Голландия - Франция - 4:1. Франция - Италия - 0:2, Голландия - Руминия - 2:0.

Жаҳон чемпионлари ҳисобланган Италия терма жамоаси гуруҳдаги ўйинларини жуда бўш ўтказди. Фақат сўнгги тургина уларга чорак финал йўлланмасини улашди. Италия - Руминия учрашувида пенальтини ноаниқ бажарган румин ҳужумчиси Адриан Мутунинг пушаймонини тушуниш мумкин...

Голландлар гуруҳдаги барча рақибларини тор-мор этишди. Ҳатто сўнгги турда руминларга қарши ўйинда ҳам Ван Бастен шогирдлари шаштларини сусайтиришмади.

1988 йилда Голландия терма жамоаси Европа чемпионати финалида собиқ Иттифоқ футболчиларини мағлуб этиб, (2:0) олтин медалларга эришганди. Орадан 20 йил ўтиб голландлар яна чемпион бўлишса ажабланмаймиз. Чунки уларнинг ўйинлари шундан далолат бермоқда.



«D» гуруҳи: Швеция - Испания - 1:2, Греция - Россия - 0:1.

Россия - Швеция, Греция - Испания учрашувлари кеча тунда якунланди.

## Енгил атлетика



*Тўрт кун мобайнида Индонезиянинг Жакарта шаҳрида енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада қитъамизнинг 23 та давлатидан спортчилар медаллар учун баҳс олиб боришди. Ўзбекистон терма жамоаси Жакартага беш нафар спортчи билан ташриф буюриб, якунда уларнинг барчаси ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олишди. Вакилларимиз томонидан иккита олтин, икки кумуш ва битта бронза медаллари қўлга киритилди.*

# Тайёргарлик бежиз кетмади

Яъни, Бобур Шокиржонов (найза улоқтириш) ва Григорий Камоля (ядро итқитиш) олтин, Анастасия Свечникова (найза), Сергей Дементьев (ядро) кумуш, София Бурҳонова (ядро) эса бронза медали эгаси бўлишди.

Тошкент халқаро аэропортида музаффар жамоамизни кутиб олиш чоғида Осиё чемпиони Бобур Шокиржоновнинг фикрларини сўрадик.

— Биз мазкур мусобақага тайёргарликни ўтган йилиёқ бошлагандик, — дейди суҳбатдошимиз. — Ўзбекистон чемпионати, кубоги ва енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорат мактаби биринчиликларида қатнашиб, натижаларимизни яхшилашга ҳаракат қилдик. Тошкент вилоятидаги Дукент қўрғонида ўқув-машғулот йиғинларида қатнашдик.

Осиё чемпионати пайтида Индонезияда кучли ёмғир ёққанлиги учун спортчиларга осон бўлмади. Юртимизга ғалаба билан қайтганимиздан хурсандмиз. Энди июл ойида Полша давлатида ўтадиган енгил атлетика бўйича жаҳон биринчилигига ҳозирлик кўрамиз.

## Пекин — 2008

# Йўлланмалар сони яна ошади



**Ёзги Олимпиадага бориш учун қўлга киритилган 50 дан ошиқ лицензиянинг 19 таси касаба уюшма спортчилари ҳиссасига тўғри келади.**

Спортимиз юлдузлари, эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров, юнон-рум кураши устаси Элдор Ҳафизов, сузиш бўйича Ольга Гнедовская, Пётр Ромашкин, Данил Бугаков, Мария Бугакова, Ирина Шлемова, дзюдочилар Хуршид Набиев, Митрали Шарипов, академик эшкак эшиш бўйича Руслан Наурзалиев, байдарка ва каноэда эшкак эшиш усталари Серик Меирбеков, Вадим Меньков, велоспортчи Сергей Лагутин, енгил атлетика маликаси Гўзал Хуббиева, Светлана Радзивил... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.



Уларнинг барчаси касаба уюшма жисмоний тарбия спорт жамияти спортчилари.



Олимпиада йўлланмаларини ва эришилаётган ғалабаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан мусобақа ва машғулотларга яратилган шароитларнинг самараси, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, ЎзКУФК спортчиларнинг XXIX Олимпиадага пухта ҳозирлик кўришлари учун моддий ва маънавий кўмагини аямаяпти. Ажратилган маблағлар эвазига терма жамоалар турли спорт жиҳозлари, либослар, зарурий дармондорилар билан таъминланмоқда. Ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этиш, мусобақаларда қатнашиш масалалари ечилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, бугун ҳеч кимни Пекин Олимпиадаси беэътибор қолдирмаяпти ва халқимиз спортчиларидан катта ғалабалар кутишмоқда. Бу эса масъуллик ҳиссини янада оширади.

## Бокс

# Чарм қўлқоп усталаримиз тенгсиз

**Хитой Тайпейида бокс бўйича Халқаро ҳаваскор бокс Ассоциацияси (AIBA) президенти кубоги мусобақасининг биринчи босқич баҳслари бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз Баҳодир Султонов, Аббос Атоев, Дилшод Маҳмудов ҳамда умидли боксчи Сардор Абдуллаев ўз вазнларида тенгсиз топилишди. Тўлашбой Дониёров ва Хуршид Тожибоев бронза медали билан кифояланди.**

**Бу ғалабалар терма жамоамизнинг умумжамоа ҳисобида биринчи ўриндан жой олишини таъминлади.**

**Саҳифа материалларини Акмал АБДИЕВ тайёрлади**

